Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

31 январь, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 22 (1024)

*• Республика Вазирлар Маҳкамасида*

## ИСРОФГАРЧИЛИК ҲАЛИ КЎП

***25 январь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Республика вазирликлари ва идоралари бўлинмаларида нефт маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.***

Комиссия кўрилаётган чораларга қарамай, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бепарволиги туфайли, вазирликлар ва идоралар томонидан назоратнинг йўқлиги сабабли нефт омборлари хўжалиги ишини такомиллаштириш, уларни зарур ўлчов асбоблари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаётганини, бошқа камчилик ва нуқсонлар ҳам тугатилмаганини таъкидлади. Алоқа вазирлиги (вазир К. Раҳимов), «Ўзолмосолтин» уюшмаси (раиси Ш. Нажимов), Олмалиқ кон-металлургия комбинати (бош директори В. Сигедин), «Қизилқумкамёбметаллолтин» концерни (раиси Н. Кучерский), Ўзбекистон иккиламчи рангли металлар акционерлик жамияти (бош директор Р. Муҳаммадхўжаев) корхоналарида нефт маҳсулотларини нобуд қилиш ва ортиқча сарфлаш, шунингдек, уларнинг сифатини бузиш ҳоллари аниқланди. Ўзбекистон металлургия комбинати (бош директор А. Анохин), «Махсус қотишма» республика бирлашмаси (раҳбари П. Мақсудов) корхоналарида нефт маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улар нималарга сарфланаётганини назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Шу идораларга қарашли корхоналарни саралаб текширилганда 43 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилгани ва ортиқча сарфлангани, 120 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларининг сифати бузилгани маълум бўлди. 50 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларини ҳисобдан яшириш ҳоллари аниқландики, бу ҳол турли суиистеъмоллар учун шароит яратади.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида нефт омборлари хўжалигининг аҳволи ҳамон қониқарсиз. Бу ерда хўжаликлар нефт омборлари ва корхоналарининг 80 фоизи техник аҳвол ва ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари борасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни саккиз ой давомида бартараф этмаган. Қорақалпоғистон Республикасининг айрим корхоналарида ҳам аҳвол шундай. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига нефт маҳсулотларидан фойдаланишда бузилишларга йўл қўйган шахсларнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди. Нефт маҳсулотларидан фойдаланиш масалаларидаги бетайинлиги учун «Махсус қотишма» республика бирлашмаси Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директорининг ўринбосари В. Базаевни, «Ўзметкомбинат» ёнилғи-мойлаш материаллари шўъбаси бошлиғи Н. Назаровни, иккиламчи қора металлар акционерлик жамияти автогаражи бошлиғи У. Зокировни, Алоқа вазирлигига қарашли учинчи автотранспорт корхонаси директори С. Одиловни вазифасидан бўшатиш тавсия этилди.

Коммиссия мажлисида Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг энергия ҳосил қилишга, шунингдек, ўз эҳтиёжларига ва ташишга ёнилғи сарфини камайтириш, энергияни истеъмол қилишни назорат этишнинг автомат тизимини жорий этиш ишлари кўриб чиқилди. Тармоқ раҳбариятининг эътибори кўрилаётган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди.

Ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг 1994 йилдаги ишларига якун ясаш чоғида комиссия кўрган чоралар давлат йўли билан нефт маҳсулотларини етказиб бериш доирасида вазирликлар ва идораларнинг автотранспорт ишини барқарорлаштиришга имкон бергани таъкидлаб ўтилди. 50 минг тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларининг исроф бўлишига чек қўйилди ва улар ишлаб чиқаришга сарфланди. Нефт маҳсулотлари ўрнига ёнилғининг бошқа турларидан фойдаланишга ўтиш тадбирларини амалга ошириш ҳисобига 56 минг тоннадан кўпроқ автомобил ёнилғиси тежаб қолинди. Шу билан бир вақтда газ, қозонхона-печ ёнилғиси, иссиқлик ва электр энергияси ҳамон кўп исроф бўлмоқда, ёнилғи ресурслари қониқарли ҳисобга олинмаяпти. Бундай нуқсонларни тугатиш юзасидан тавсиянома берилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов сўзга чиқиб, ёнилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг сира кечиктирмай ҳал этишни талаб қиладиган долзарб муаммолари тўғрисида гапирди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари В. Чжен, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов иштирок этишди.

**(ЎзА).**



***Қизилтепа туманидаги Қосим Қобилов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ўтган йили режадаги 2740 тонна ўрнига 2940 тонна пахта ҳосили етиштирдилар. Баъзи бригадаларда ҳосилдорлик 42-45 центнерга етди. Янги ҳосил йилини зўр иштиёқ билан бошлаган хўжалик меҳнаткашлари бугунгача барча кузги-қишки дала ишларини ниҳоясига етказдилар.***

***Суратда: хўжалик ишчиси Ж. Камолов.***

**Т. НОРҚУЛОВ олган сурат (ЎзА).**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари — мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

Мажлисда комиссиянинг шу йил 2 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган бу борадаги вазифаларнинг қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Бу ҳақда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат корпорацияси ва концернлари, уюшма ва бошқармалар, корхоналар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар туманларининг ҳокимлари ахборот берди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага оид қабул қилган қарорига мувофиқ Эски шаҳар ҳудудида аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш бўйича дастлабки тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, бузилиши керак бўлган хонадонлардан аҳолини кўчириш учун янги уй-жойларни бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани таъкидлаб ўтилди.

Ватанимиз пойтахтини янада ободонлаштиришга тааллуқли бошқа кўплаб масалалар, бу борадаги айрим муаммолар, уларни тезда бартараф этиш йўллари йиғилишда атрофлича муҳокама этилди.

Мажлисда умумхалқ байрами — Наврўз ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги кунига тайёргарлик масалаларига, хусусан, иншоотларни вақтида битказиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда Республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ЎЗБЕКИСТОН

Бухоро вилоятида фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг янги паспортларини топшириш бошланди.

Вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов куни-кеча бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда 16 ёшга тўлган йигит-қизларга она юрт фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат — янги паспортларни тантанали равишда топширди.

**Наманган кимё заводида нефт қудуқларини бурғулашда қўлланиладиган махсус суюқлик ишлаб чиқариш бошланди. Илгари Украинадан келтириладиган бу моддани энди бошқа мамлакатлардан сотиб олиш зарурати қолмади.**

**Завод ишчилари ҳозирча бу тақчил моддадан ўн тонна тайёрлашди. Мингбулоқ нефтчилари синов ишлари чоғида уларнинг маҳсулотига «аъло» баҳо бердилар.**

Жиззахдаги «Сўғдиёна» ишлаб чиқариш фирмаси янги йилни янги маҳсулот — болалар учун жажжи калишлар ишлаб чиқариш билан бошлади. Маҳсулот Молдавиянинг «Терпа» қўшма корхонаси ускуна ва қолиплари воситасида қуйилмоқда.

Ҳозир 600 жуфт калиш ишлаб чиқараётган цех қувватини бир кеча-кундузда 1200 болалар ва шунча катта ёшдагилар калишлари ишлаб чиқаришга етказиш режалаштирилмоқда.



**Марғилон ёғочни қайта ишлаш корхонасида иш кўлами ҳам, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кун сайин ортмоқда. Аввалари бу ерда фақат тахта, дераза ва эшиклар тайёрланган бўлса, бугунги кунда турли хил ўриндиқлар, диванлар, болалар караватлари, паркетлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхона тамғаси туширилган бундай маҳсулотлар харидорларга маъқул бўлмоқда.**

**СУРАТДА: дурадгорлар Салимжон Асқаров (чапдан) ва Ҳасанбой Солиев иш устида.**

**Элликқалъа туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги марказидаги 60 хонадон табиий газдан баҳраманд бўла бошлади. Қувур тортиш ишларини Берунийдаги 12-механизмлашган жамлама жамоаси қисқа муддатда сифатли бажарди.**

**Бугунги кунда туман аҳолисининг 75 фоизи табиий газдан фойдаланаётган бўлса, ушбу кўрсаткични йил охиригача 90 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.**

Пастдарғом туманидаги 155-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна ва колхозлараро қурилиш ташкилоти қурувчилари туман солиқ инспекцияси ходимларига муносиб совға ҳозирлашди. Улар қисқа муддатда икки қаватли барча қулайликларга эга бўлган замонавий бинони қуриб фойдаланишга топширдилар.

### ЖАҲОН

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолий Женевада бўлиб ўтган матбуот анжуманида Чеченистондаги вазиятни барқарорлаштиришда Россия Федерациясига ёрдам беришга тайёр эканини билдирди. Шу билан бирга у Чеченистондаги воқеаларни «Россия Федерациясининг ички ишидир», деб таъкидлади. Биз кўрсатадиган ёрдам фақат Россия Федерацияси билан келишувимиз асосида бўлиши мумкин, деди у.**

Жанубий Африка Республикасида халқаро атом энергияси агентлиги ташаббуси билан илмий анжуман ўтказилмоқда. Мамлакатнинг демократик бошқарувга ўтаётгани хорижий давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга имконият яратмоқда, деди Жанубий Африка Республикасининг фойдали қазилмалар ва энергетика вазири Рулоф Бото.

**Чеченистонда бедарак йўқолган АҚШнинг «Магнум» агентлиги фотомухбири Люк Делахьюнинг дараги топилди. Бу ҳақда Россия Федерацияси ҳукумати матбуот хизмати раҳбарининг ўринбосари В. Гришин хабар берди.**

**Унинг гапига қараганда, Люк Делахью рухсатнома олмасдан Чеченистонга келган ҳамда ўз ҳолича фаолият олиб борган. Сешанба куни у Россия ҳарбий қисмларининг бирига келган ва Моздокка жўнатилган.**

Ҳиндистон ҳукумати суиқасдчилар томонидан ўлдирилган Бош вазир Ражив Гандига махсус қўриқчилар қўйилмагани учун мамлакатнинг баъзи бир собиқ расмий кишиларини жавобгарликка тортишга қарор қилди.

Маълум бўлишича, республика Вазирлар Маҳкамасининг котиби Винода Пандей ва бошқа тўрт нафар мансабдор киши «давлат маблағини иқтисод қилиш» баҳонасида Ражив Ганди ва унинг оиласи учун махсус қўриқчилар қўймаган эди...

**Грузия пойтахтида МДҲ парламентлараро ассамблеяси ва Россия Федерацияси кенгаши делегацияси Абхазия қочоқларини ўз уйларига қайтариш бўйича аниқ чоралар кўриш масаласи муҳокама қилинди. Унда Грузия ҳукумати ва парламент вакиллари ҳам иштирок этди.**

Бразилия ҳукумати 2004 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон олимпиада ўйинларини Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиш истагини билдирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Аммо машҳур футболчи Пеле олимпиада ўйинларининг мезбони бўлиш учун Бразилиянинг имконияти етарли даражада эмас, деб айтган. Чунки Севилья, Брюссель, Сан-Хуан (Пуэрто-Рико) ва Кейптаун каби шаҳарлар ҳам ўз номзодини кўрсатган. Бразилияда эса мазкур шаҳарлардагидек замонавий спорт иншоотлари йўқ, деди у.

## ЯНГИ ШАРОИТ — ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг навбатдаги қурултойи бўлди. Унда тармоқ касаба уюшмасининг бозор муносабатлари шароитидаги фаолияти ва меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Тармоқ касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Собитов ва бошқа сўзга чиққанлар касаба ташкилотлари вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари, янги иш жойлари барпо этиш, меҳнаткашларни соғломлаштириш ва дам олишини ұюштириш масалаларига қаратдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

*• ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН*

### «ЮЛДУЗ» ФИРМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд вилоятининг Нуробод шаҳрида Бухоро қоракўл заводининг «Юлдуз» тикувчилик фирмаси иш бошлади. Асосан қоракўлчиликка ихтисослашган Нуробод туманида бу фирманинг очилиши бежиз эмас, чунки фирманинг асосий хом-ашёси шу туманда ишлаб чиқилади. Бу ерда ҳозирча 30 та киши иш билан таъминланган, келгусида 50 ўринга етказиш мўлжалланмоқда.

— Фирмамизда қоракўл терилардан хотин-қизлар учун манто (пальто, телпак) тайёрланаяпти. Шу йил охиригача эркаклар пўстини, телпаги, мўйнали терилардан турли кийимлар тикишни йўлга қўямиз. Тайёр кийимларни чет мамлакатларга вальютага сотамиз ёки турли зарур товарларга алмашишни режалаштирганмиз, — дейди фирма раҳбари Юлдуз Юсупова.

**Б. МАҲМУДОВ.**

### «ТОШИБА» ТЕРМИЗДАН ЧИҚАДИ

Ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхонада Япониянинг дунёга машҳур «Тошиба» телевизорлари чиқарила бошлайди. Корхона ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришга аҳд қилган сармоядорлар маблағи эвазига барпо этилади. Жумладан, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси икки миллион сўм маблағ ажратди.

**В. НОСИРОВ**

### ЎҚУВЧИЛАР ҲОВЛИ ТЎЙИ ЎТКАЗИШДИ

Қарши шаҳар ҳокимлиги ёш авлодни тарбиялаш, уларга билим беришда ҳеч нарсани аяётгани йўқ. Ана шундай савобли ишларга маблағ ва моддий манбаларни сафарбар этаётир.

Яқинда Қашқадарё вилояти марказининг янги мавзеларидан бирида, Хонобод кўчасида 640 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабда машғулотлар бошланиши катта тантанага айланди. Ўқувчиларнинг ҳовли тўйига янги мактабни бунёд этган «Қашқадарёқурилиш» трестининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси, шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотларидан келган меҳмонлар иштирок этиб, ўқувчи ва ўқитувчилар, ота-оналар қувончига шерик бўлишди.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚУТЛОВ

Таниқли адиб ва журналист Владимир Тюриков 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмасида тантанали йиғилиш бўлди. Юртбошимиз Фармонига кўра адиб Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев адибга ана шу юксак мукофотни топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан ҳамкасб ва мухлислари В. Тюриковнинг адабиёт ва журналистика соҳасидаги улкан хизматлари, ижодининг ўзига хос жиҳатлари хусусида гапирдилар.

**(ЎзА).**

## «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ПЛЕНУМИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани «Исломобод» маданий марказида «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг пленуми бўлди. Унда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят бўлимлари бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва маҳалла фаоллари қатнашди.

Пленумда жамғарманинг 1994 йилдаги иш фаолияти ва навбатдаги вазифалари тўғрисида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Ш. Темуров маъруза қилди.

Тадбирда фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолият юритишига кенг йўл очилгани халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётига, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ишига ижобий таъсир кўрсатаётгани, бу борадаги ишларни янада яхшилаш йўлида фаолликни ошириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, маҳаллалар ишини такомиллаштириш, оила, болалар тарбияси ҳамда соғлиғини яхшилаш ва атроф-муҳит мусаффолигига эришиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуни маълум қиладики, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларни ўз вақтида ўтказиш юзасидан масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 21-сонли қарорига мувофиқ 1995 йил 1 февралдан эътиборан тўлов топшириқлари билан ҳисоб-китоб қилиш (ҳисоб-китобларнинг инкасса шакли) бекор қилинади.

1995 йил 1 февралдан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритиш субъектлари ўртасида ҳисоб-китоблар қатъий равишда ҳисоб-китоб, жорий, бюжет ва бошқа ҳисоб варақалардаги мавжуд маблағлар доирасида фақат тўлов топшириқлари, чеклар, аккредитивлар, шунингдек, тижорат банклари векселлари орқали амалга оширилади.

Газ, иссиқлик ва электр қуввати, нефть маҳсулотлари, автотранспорт хизматлари учун давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар тўлов топшириқлари билан доимий тўлашлар тартибида амалга оширилади.

Инкасса шаклидаги ҳисоб-китобларнинг бекор қилиниши муносабати билан 1995 йил 1 февралгача тақдим қилинган ва банкнинг 2-сонли картотекасидан жой олган тўлов ҳужжатлари қайтарилмайди.

*Олим мулоҳазалари*

# «ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИ» УСЛУБИ

## У ЖАҲОН БАНКИ ХАЗИНАСИГА КАЛИТДИР

**ЖАҲОН банки маблағ билан таъминлайдиган лойиҳалар устида ишловчи ташкилот ва шахслар шу банк томонидан «лойиҳа цикли» концепцияси сифатида умумлаштирилган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнига бевосита қўшилган ҳисобланадилар. Шунга мувофиқ бу циклга бир-биридан фарқ қилувчи турлича нуқтаи назар ва мезонлар кирадики, кейинчалик ана шулардан келиб чиқиб, лойиҳани амалга ошириш натижаларига баҳо берилади.**

ЖАҲОН банки ишлаб чиққан услубият нима қилмоқ кераклиги, инвестициянинг қаердан келиши, лойиҳа бўйича маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш масалаларини ҳал этишга яхлит ёндошиш имконини беради. Бундан олинган тажрибани янги, келажакка мўлжалланган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалага ошириш давомида қай йўсинда ҳисобга олмоқ керак? Банк услубиятлари лойиҳаларни амалга оширишга кетган сарф-харажатлар ва эришилган натижаларни меҳнат жамоаси ёки акционер, бутун иқтисодиёт, лойиҳани тадбиқ этадиган ташкилот, табиий ва ижтимоий мухит каби турли нуқтаи назардан ҳар томонлама ўрганишга йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқилган лойиҳа иқтисодий ва техник нуқтаи назардан оқилона бўлиши, лойиҳанинг нафақат технологик ёки техник жиҳати, балки инвестирлаш, бошқариш ва маблағ билан таъминлаш тизимлари ҳам, шунингдек, лойиҳа натижаларининг ҳаётийлиги ва узоқ муддатга мўлжалланганлиги ҳам ҳисобга олинмоғи лозим.

Туб иқтисодий ислоҳотлар тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш муаммосини ўткирлаштирди ва инвестициялаш ҳажмини кескин камайтирди. Шу муносабат билан чет эл «лойиҳа цикли» тажрибаси ва услубиятини ҳисобга олганда, давлат миқёсида ҳам, алоҳида корхона миқёсида ҳам чекланган молиявий заҳиралардан самарали фойдаланишнинг кредит механизмини ишлаб чиқиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий муаммоларидан бирига айланмоқда. Мутахассисларимизнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларда қабул қилинган «лойиҳа таҳлил» услубиятини эгаллашлари бугунги кунда муҳим вазифа бўлиб турибди.

МДҲ мамлакатлари тажрибасидан шундай хулоса чиқариш мумкин: туб ўзгаришларнинг бошидаёқ аҳоли турмуш даражаси кескин пасайди ва бу мамлакатлар ривожланаётган давлатлар тоифасига қўшилдилар, зеро аҳоли жон бошига олинадиган йиллик даромад 700—1000 долларга тўғри келди. Шу боис бу мамлакатларнинг ҳукуматлари кредит сўраб, Умумжаҳон банкига мурожаат қилдилар. Бироқ шу мамлакатлар томонидан 1992—1993 йилларда тақдим этилган 100 дан зиёд лойиҳанинг бирортаси ўзининг мазмун-мундарижаси бўйича «айнан шу таҳлитда маблағ сарфлашнинг самараси қандай бўлади?» деган саволга жавоб беролмасди. Шу муносабат билан мутахассисларни ҳозирча Ўзбекистонда ўрганилмаган «лойиҳа таҳлили» услубияти бўйича ўқувини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқув курси алоҳида корхона, компания ёки тармоқни бошқаришга мўлжалланган бўлиши керак, бироқ унинг асосий ғоялари мамлакат иқтисодиётини давлат йўли билан бошқариш учун ҳам долзарбдир.

Бизнингча, аввалги меҳнат натижаларини сақлаб қолиш бирламчи ва энг муҳим принципдир. Америкалик бизнесменларнинг бирортаси аввал ўрнатилган ускуналардан фойдаланишдаги муаммоларни охиригача ҳал этмай туриб, бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ёки компанияларга сармоя сарфланмайди. Аввалги меҳнатдан топган даромадларни тўла сақлаб қолгандан кейингина янги инвестицияларга қўл урмоқ лозим. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Янги уйни қурмай туриб,эскисини бузиб ташлама» деган сўзларини келтириш жоиздир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Умумжаҳон банки мутахассислари Россия Федерациясида йўл жамғармасининг бир қисмини шу мақсад учун 1994 йилда 300 миллион доллар кредит ажратиш орқали тиклаш лойиҳасини тайёрладилар. Аввал қурилган йўллар яхши ҳолатда сақланмаётган экан, янгиларини қуриш мақсадга мувофиқ эмасдир.

Лойиҳа таҳлилининг кейинги принципи лойиҳанинг циклли эканлигидир. Бу принцип лойиҳанинг аниқ мақсадга қаратилганлиги, заҳиралар ва вақтнинг чекланганлиги, асосий мақсад ва вазифаларнинг тахминан белгилаб олинганлигидан тортиб, то тўла амалга оширилиши ва унинг натижаларини баҳолашгача бўлган бир қатор узвий босқичларга асослангандир. Шундай қилиб, навбатдаги ҳар бир лойиҳа аввалгисининг натижалари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Умумжаҳон банкининг фаолиятида лойиҳанинг мазмун-моҳиятини иккиёқлама тушиниш деган гап йўқ мутлақо. Бу биринчидан, аниқ мақсадга қаратилган фаолият, иккинчидан, унинг фойдаси харажатлардан доимо юқори бўлади ва учинчидан, у вақт ва заҳиралар масаласида қатъий чекланган.

Лойиҳа таҳлилининг учинчи муҳим принципи обдон тайёргарлик кўрилиб, сўнггина муҳим қарорга келишдир. Қарор қабул қилишгача бўлган тайёргарлик босқичининг аҳамиятини тўғри баҳолай билмаслик, сўзсиз, ортиқча сарф-харажатларга ва солинган маблағ самарасининг пасайишига олиб келади. Бу принцип давлат томонидан қабул қилинадиган қарорларга ҳам асос бўлмоғи керак.

Жаҳон банкининг асосий мақсади — ўз аъзоси бўлган мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш. Банк фаолият бошлаган дастлабки даврда лойиҳаларнинг кўпи иқтисодиётнинг бевосита маҳсулот ишлаб чиқарадиган, масалан, қишлоқ хўжалик тармоғини қўллаб-қувватлашга ёки ижтимоий сектор асосини, масалан, коммунал хизмат ва инфраструктурани барпо этишга йўналтирилган эди. Банк лойиҳаларининг кўлами 80-йилларга келиб, айниқса кенгайди ва эндиликда ўз аъзоси бўлган мамлакатлар фуқароларининг турмуш даражасини нафақат иқтисодий ёрдам кўрсатиш, балки меҳнат заҳиралари ривожи ва сифат жиҳатидан юксалиши, инвесторлар ва тадбиркорлар учун иқтисодий мухитни яхшилашга кўмаклашиш, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган маъмурий муассасаларни ислоҳ қилиш ва умумий иқтисодий сиёсатни ўзгартириш йўли билан яхшилашга қаратилган бўлиши мумкин. Шу боис ҳозирги кунда ҳамма «лойиҳалар» ҳам корхона, янги тузилмалар ёки тизимларни барпо этишга олиб келавермайди. Бироқ уларнинг ҳаммаси лойиҳа циклларининг барча босқичларидан ўтади, турли жиҳатлардан таҳлил этилади.

Вақт ўтиши билан Умумжаҳон банкининг таклифи билан «лойиҳа» тушунчаси белгиланган вақт давомида ва маълум миқдордаги молиявий заҳираларга ва қўйилган топшириқларга мувофиқ ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуини ўзида акс эттирадиган бўлди. Бундан мақсад — иқтисодий ва ижтимоий инфраструктуранинг ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш ва реконструкциялаш, шундай лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни бошқараётган маҳаллий муассасаларни мустаҳкамлаш.

«Лойиҳа цикллари» тушунчасига лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичларининг тавсифи киради. Одатда, Жаҳон банки маблағ билан таъминлайдиган лойиҳалар учун муҳим роль ўйнайдиган қуйидаги олти босқич қайд этилади: вазифани белгилаш, ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, музокаралар олиб бориш, амалга ошириш ва баҳолаш.

Лойиҳани таҳлил этиш вазифасига унинг «қиймати»ни белгилаш ҳам киради. Бу кўрсаткични аниқлаш учун лойиҳанинг бутун қийматини баҳолаш ва уни амалга оширишдан келадиган фойданинг сарф-харажатдан ошиш ёки ошмаслигини аниқлаш керак бўлади. Яъни лойиҳанинг техник жиҳатдан асосланганлиги, тижорат бобида ҳаётийлиги, ўзини қоплай олиши обдон текширилади.

Фойда ва ҳаражатни таҳлил этиш учун қуйидаги саволларга жавоб олмоқ лозим: лойиҳанинг мақбул пировард натижаси қандай; харажатларни ким кўтаради ва лойиҳанинг ижобий натижасидан ким фойдаланади; ижобий натижалар қачон ва қандай юзага келади; лойиҳанинг якуний қиймати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун лойиҳага алоқаси бўлган юридик ва жисмоний шахслар турли гуруҳларига тегишли фойда ва турли хил зарарлар қандай таққосланади ва жамланади; ушбу лойиҳа ижобий натижаларининг эҳтимолдаги бошқа лойиҳалар натижаларига нисбати қандай?

Жаҳон банки услубиятчилари лойиҳа таҳлилини қуйидаги қисмларга ажратадилар: техник, тижорат, молиявий, экологик, институциявий ривожланиш, лойиҳанинг ижтимоий ва маданий шарт-шароитларга мослиги, иқтисодий. Лойиҳа таҳлилининг ўзагини иқтисодий, молиявий ва тижорат таҳлиллари ташкил этади.

Ўтган йилнинг охирларида Умумжаҳон банкининг Вашингтондаги иқтисодий тараққиёт институти ҳамда Гаага шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтининг моддий ёрдамида Тошкент давлат қишлоқ хўжалик университети базасида «Қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни таҳлил этиш»мавзусида семинар ўтказилди. Бу Ўрта Осиё мамлакатларида шу мавзуида ўтказилган биринчи семинар эди. Унда Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси, Фан ва техника бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ва Тошкент давлат қишлоқ хўжалик университетининг етакчи мутахассислари иштирок этдилар. Машғулотларни Американинг етакчи профессорлари, Умумжаҳон банкининг Россиядаги вакиллари, республика вазирликлари ва идораларининг вакиллари олиб бордилар.

Тингловчилар олган назарий билимларини Юқоричирчиқ туманидаги «Олға» жамоа хўжалигида бўлган икки ҳафталик амалий машғулотлар жараёнида муваффақиятли қўлладилар. Жаҳон банки мутахассислари раҳбарлигида шу жамоа хўжалигини ривожлантиришга оид бешта лойиҳа варианти ишлаб чиқилди. Лойиҳа таҳлили модули ва семинарнинг амалий машғулотлар қисми натижалари бўйича тест имтиҳонлари топширилганидан сўнг энг яхши лойиҳалар муаллифлари (5 киши) инвестиция лойиҳалари таҳлили бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш учун Мисрга 2 ҳафталик стажёрликка юборилади.

Жаҳон банкининг лойиҳалар таҳлили услубиятини ишбилармонлар (муассислар)нинг ўз фаолиятларини бошлашлари, янгилик ва инновацион лойиҳаларни, тадбиркорлик фаолиятига оид бизнес-режаларни жорий этиш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалга ошириладиган бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жаҳон банки билан янада қалин ҳамкорлик қилиш кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, чет эл инвесторларини республика иқтисодиётига жалб этиш, мамлакат иқтисодиёти аграр сектори тараққиётини барқарорлаштириш ва унинг жаҳон иқтисодиётига бундан буёнги интерграциясини таъминлаш имконини беради.

**С. ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги.**

# ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

## ЯҚИН ШАРҚ: МУАММО ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ

**Бир неча ўн йил мобайнида Яқин Шарқ жаҳоннинг оғриқ нуқталаридан бири саналиб келди. Ўтган 1994 йил, айтиш мумкинки, Фаластин-Исроил муаммосини ҳал қилиш йўлидаги энг муваффақиятли йил бўлди.**

Мазкур муаммонинг пайдо бўлиши Иккинчи жаҳон уруши якуни билан боғлиқ. 1947 йилда БМТ Бош ассамблеяси бу ҳудудда Англия ҳукмронлигини бекор қилиб, икки мустақил мамлакат—Исроил ва Фаластин давлатларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ 1947-1948, 1967 йилларда бўлган Араб-Исроил урушида Исроил Фаластин учун белгиланган ҳудудларни босиб олди. Бу эса араб давлатлари билан Исроил ўртасида совуқлик тушишига сабаб бўлди. Шунингдек, Исроил 1988 йилда Фаластин миллий кенгашининг Фаластин давлатини эълон қилиш тўғрисидаги Жазоирда қабул қилинган қарорини ҳам тан олмади. Бир неча йиллар мобайнида олиб борилган музокаралар ҳам натижа бермади.

Сўнгги икки йил ичида ушбу келишмовчиликда ижобий ўзгаришларга эришилди. 1993 йилнинг май ойида Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) ва Исроил ҳукумати томонидан Ғазо минтақасини Фаластин мухторият тумани деб эълон қилиш тўғрисида якунловчи битим имзоланди. Шундан сўнггина ФОТ ижроия қўмитаси раиси Ёсир Арафот мухтор туманнинг раҳбар органларини ташкил этиш мақсадида Ғазо секторига қайтди. Бу ер узоқ йиллар ватанида бегона бўлган Фаластин халқи учун таянч нуқтасига айланди. Мазкур битим Яқин Шарқ минтақасида тинчликни ўрнатиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов 1994 йил июл ойида Исроил ташқи ишлари вазири Шимон Переснинг ва сентябрда Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитаси раиси Ёсир Арафотнинг мамлакатимизга ташрифлари чоғида Ўзбекистон Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилиши йўлида қўйилган бу қадамни юксак баҳолашини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари бу минтақада тинчлик ва барқарорликнинг ҳукм суриши жаҳонда осойишталик қарор топишига омил бўлишини қайд этди.

Яқин Шарқ муаммосининг яна бир тугуни Иордания-Исроил ихтилофи билан боғланган. 1994 йилнинг октябр ойида Иордания ҳошимийлар подшолиги билан Исроил ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Томонлар давлат чегараларини аниқ белгилаб олдилар. Оралиқдаги сув заҳиралари тақсимланди. Шундан сўнг икки давлат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилиб, Иордания ва Исроил Иордан водийсини ҳамкорликда ўзлаштиришга тайёр эканини маълум қилди. Икки мамлакат раҳбарларининг ўз давлатлари манфаатидан келиб чиқиб, мазкур шартномани имзолаши ўртада мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф этиш имконини яратди.

Фаластин муаммосини ҳал этиш борасидаги ижобий ўзгаришлар натижасида Араб-Исроил муносабатлари ҳам яхшилана бошлади. Марокаш ва Тунис давлатлари Исроил билан дастлабки алоқаларни ўрнатди. Форс кўрфазидаги олти мамлакат ҳам аввал Исроилга қарши қабул қилинган чораларини бекор қилди. Муносабатлар яхшиланиб бориши ушбу мамлакатларнинг Исроил билан икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишни ҳам тақозо этди. Ўтган йилнинг октябр ойида Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларининг Касабланкада бўлиб ўтган биринчи олий даражадаги мажлиси Яқин Шарқ тинчлик жараёни учун катта аҳамият касб этиб, минтақада яратилажак иқтисодий ҳамкорликнинг негизи бўлди.

Ўтган йилги ўзгаришлар Яқин Шарқ тинчлик жараёни учун кенг имкониятлар очиб берганига қарамай, минтақадаги аҳволни барқарорлаштириш йўлида ҳамон жиддий тўсиқ ва қийинчиликлар мавжуд. Биринчидан, Сурия-Исроил музокаралари чўзилмоқда. Икки давлат ҳам Яқин Шарқдаги йирик ҳарбий қудратга эга мамлакатлар ҳисобланади. Улар бир-бирига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлаётир. Исроил давлатидаги йирик мухолиф куч ҳисобланган «Ликуд» блоки Жўлон тепаликларини ташлаб чиқиб кетишга кескин қаршилик кўрсатмоқда.

Иккинчидан, Фаластин ва Исроил ўртасидаги Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида Фаластин мухториятини барпо этиш тўғрисидаги музокаралари муваффақиятсиз кечмоқда. Бундан ташқари, Фаластинда ўтган йили июл ойида ўтказилиши режалаштирилган умумий сайлов декабр ойигача ҳам бўлиб ўтмади. ФОТ Фаластин умумий сайлови бир вақтнинг ўзида Қуддусда ҳам ўтказилиши лозим, деган қарорида қатъий турибди. Шунингдек, бўлажак Фаластин парламенти аъзоларининг сони қанча бўлиши ҳақида ҳам Исроил ва ФОТ бир тўхтамга кела олганича йўқ.

Фаластин-Исроил муаммоларини ҳал этиш йўлида ҳар қадамда қийинчиликлар учраб турибди. Бироқ амалга оширилган ишларнинг ўзи ҳам аҳамиятли эканини ҳисобга олсак, Араб мамлакатлари ва Исроил ўртасида барча жиҳатларни ўз ичига олган икки томонлама битимлар имзоланадиган ва умуман, минтақада буткул барқарорликни таъминлашга қаратилган музокаралар уюштириладиган кун узоқ эмаслиги аён бўлади. Муҳими, Араб дунёси ва Исроилнинг тинч яшаши учун илк қадамлар қўйилди. Зеро, ФОТ раҳбари Ёсир Арафот, Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин ва Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Пересга дунёда тинчликни ўрнатиш ишида кўрсатган хизматлари учун халқаро Нобель мукофотининг берилиши бежиз эмас. Ер юзининг энг нотинч минтақаларидан бири бўлиб келаётган бу заминда осойишталик қарор топиши жаҳонда ялпи тинчлик тантанаси йўлидаги муҳим босқич бўлур эди.

**Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

### КАСАБА УЮШМАСИ ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмасининг иккинчи қурултойи бўлди.

Ҳисоботда бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг вазифалари бирмунча ўзгаргани, бу эса иш юритишнинг янги шакл ва услубларини ўзлаштиришни тақозо этиши таъкидланди. Сўзга чиққанлар қўмита ва унинг қуйи ташкилотлари касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим ишларни амалга ошираётгани, шу билан бирга меҳнаткашларнинг иш ва яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фаол бўлиши зарурлиги хусусида гапирдилар.

Қурултойда М. Жалилова республика маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

### НУКУСДА — ТОШДУ ТАНТАНАЛАРИ

Нукус санъат саройида Тошкент давлат университетининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков кўҳна дорилфунун вакиллари — бир гуруҳ олим ва муаллимларни табриклади.

Марказий Осиёдаги тўнғич университет — ТошДУ ректори академик Т. Жўраев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов мазкур илм масканининг мустақил мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни тўғрисида гапирдилар.

(ЎзА).



***Шаҳрихон тумани газлаштириш идораси ходимлари ўтган 1994 йилда жами 30 км дан ортиқ газ қувурлари ўтказиб, 1200 та хонадонни газлаштирдилар, газчилар Янги йилнинг дастлабки чорагида яна 50 та хонадонга газ қувурлари ўтказиб беришни режалаштиришган.***

***СУРАТДА: 12 — туман газлаштириш идорасининг пайвандчиси Ҳусниддин Мингбоев.***

*Ислоҳот одимлари*

# «ҚАТОРТОЛ»НИНГ КАРТОШКАСИ

**КЕЙИНГИ йилларда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида картошкачиликка катта эътибор беріляпти. Айниқса, «Қатортол» ижара хўжалигида етиштирилаётган голланд картошкалари харидоргир чиқиб қолди.**

ИЖАРА хўжалиги ташкил топганига тўрт йил бўлди. Энди у турли нав картошка етиштиришга ихтисослаштириляпти. Аввалига хўжаликда картошканинг «Зарафшон», «Аланга» маҳаллий навларини етиштириш тажрибадан ўтказилди. Ҳосилдорлик ёмон бўлмади. Маҳсулот истеъмолчиларга маъқул тушиб, тез харид қилинди. Шунга қарамай, хўжалик деҳқонлари картошканинг маҳаллий навларини етиштириш билан чегараланиб қолмадилар. Ўтган йили Голландиянинг бир неча турдаги картошка навлари уруғини қадашди. Йигирма гектарга яқин майдон «Кардинал», «Диамант» навлари учун ажратилди. Тўғри, картошканинг голланд навлари сўнгги йилларда республикамизнинг тупроқ ва иқлим шароитида синовдан ўтказилиб, яхши ҳосил олиш мумкинлиги исботланди. Лекин ерга қадалган уруғнинг юқори навли эканлиги ҳосилдорликнинг яхши бўлишидан далолат беравермайди. Нав хусусиятларидан қатъий назар голланд картошкалари ҳам деҳқондан тинимсиз меҳнат, изланиш талаб қилади. Буни яхши билган «Қатортол» деҳқонлари йил бўйи астойдил тер тўкишди. Натижада гектаридан 270—280 центнердан ҳосил олинди. Бу маҳаллий навларникига нисбатан икки ҳисса кўп демакдир. Бунинг устига картошка сифатли, камчиқим. Шунинг учун бўлса керак, маҳсулот бозорларда кўп туриб қолмади, ҳатто қўшни вилоятларда ҳам харидорлар сотувчилардан «Қатортол»никими?» деб сўрайдиган бўлишди. Қисқаси, хўжалик бу картошкалар туфайли бутун вилоятда ном қозонди, десак муболаға бўлмайди. Голланд картошкаларини етиштиришнинг ўзидан миллион сўмдан ортиқроқ даромад олинди.

Деҳқонларининг бу йилги режалари янада улкан. Улар голланд навларидан 300-350 центнердан ҳосил олиш учун бел боғлашган. Албатта, бу яқин келажакдаги режалар. Агар хўжалик картошка етиштиришнинг замонавий технологиясини ўз далаларида тўлиқ жорий этса, ҳосилдорлик янада юқори бўлиши мумкин. «Қатортол» раҳбарлари эндиликда айнан шу мақсад йўлида изланмоқдалар. Тўғри, улар голланд технологиясининг ўз далаларига етиб келишини кутиб ўтирмасдан, экин майдонларини янада кенгайтиришса ҳам бўларди. Бироқ «Қатортол» вилоятнинг уруғчиликка ихтисослаштирилган асосий хўжаликларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини қондиришдан ташқари, вилоятни турли хил уруғлик билан ҳам таъминлаши керак. Мавжуд экин майдонлари ва шароит картошка майдонларини кескин кенгайтириш имконини бермайди. Шунга қарамай, хўжалик деҳқонлари бу йил яна қўшимча 50 гектар, жами 70 гектар ерга Голландиянинг «Кардинал», «Диамант» навли картошкаларини экишга қарор қилишди.

Хўжалик ҳудудининг бир чеккаси тоғларга бориб туташади. Ана шу ҳудудларда ўзлаштирилмаган майдонлар ястаниб ётибди. Тўғри, бу майдонлар хўжалик раҳбарларининг ҳам эътиборидан четда қолгани йўқ. 350 гектарга яқин майдонни ўзлаштиришнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Лекин сув чиқариш масаласи ҳозирча хўжаликнинг имконияти даражасида, қолаверса, уларнинг ихтиёрида эмас. Вилоят сув хўжалиги ва мутасадди ташкилотлар эса юқорида айтилган лойиҳа-смета бўйича иш бошлашни негадир пайсалга солишмоқда. Ваҳоланки, бизнинг назаримизда, янги ўзгартирилиши лозим бўлган майдонларга сув чиқариш унча катта харажатларни талаб қилмайди ва бунга вилоятнинг қурби етади. Қолаверса, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам шуни тақозо этади.

**Н. ЭШНИЁЗОВ.**

### ТИМСОҲЛАР ТАЖОВУЗИ

Замбиянинг Ндола шаҳри яқинидаги қишлоққа тимсоҳлар ҳужум қилди. Сўнгги бир ҳафта мобайнида тажовузкор тимсоҳлар 10 кишини чавақлаб ташлаган.

Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, қишлоқликлар тимсоҳлар қутқусидан қўрқиб, фавқулодда зарур ҳолларда ҳам Луфваньяма дарёси яқинига йўлашга журъат қилолмаётир.

Мутахассисларнинг фикрича, ёғингарчиликнинг кеч бошланиб, дарёларнинг саёзлашуви ҳамда балиқларнинг камайиши тимсоҳларни қирғоққа чиқиб озуқа излашга мажбур қилган.

### ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Австриянинг «Остерайхиши хильфсерк» жамғармаси Қирғизистон Президентининг рафиқаси Майрам Акаева бошқараётган «Мээрим» оналик ва болаликни муҳофаза қилиш халқаро жамғармасига бир ярим миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бу маблағни болалар касалхоналарига замонавий тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармон харид қилиш учун сарфлаш кўзда тутилган.

### ХИЗМАТ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЁТГАНДА

Псков телевидениесининг кинооператори Валентин Янус Президент Дудаев саройи ёнида мерган ўқидан ҳалок бўлди. У Чеченистонда уруш бошлангандан буён, ўз хизмат вазифасини ўтаётиб нобуд бўлган тўртинчи журналистдир. Ўтган йилнинг 22 декабрида Грозниййда АҚШлик фотожурналист аёл Синтия Эльбаум ҳалок бўлган эди. 1 январга ўтар кечаси «Красная звезда» газетасининг махсус мухбири, полковник Владимир Житаренко, 10 январь куни эса «Штерн» немис ҳафталиги мухбири Йохен Пист мерган ўқидан қурбон бўлган эдилар.



**СУРАТДА: Жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинган, буюк ватандошларимиз Ҳиндистон заминида бунёд этган Тожмаҳал ёдгорлиги.**

### ЎТТИЗ ҚИСМДАН ИБОРАТ ФИЛЬМ

Миср ва Ўзбекистон Республикалари орасидаги оммавий ахборот алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот бюро раиси жаноб Магри Дайф Ўзбекистон телевидениеяси орқали намойиш қилиш учун араб телевидениеси томонидан тайёрланган ва 30 (ўттиз) қисмдан иборат «Муҳаммад-Расуллоҳ» кўп серияли фильмини тақдим этди. У ҳар куни кеч соат 22.30 дан бошлаб бир соат давомида биринчи канал орқали телетомошабинлар диққатига ҳавола этилади.

Фильмда бир қатор Миср кино усталари ва кино юлдузларидан иштирок этадилар. Улар орасида Омина Ризқ, Абдулла Ғийз, Ҳамдий Ғийз, Муҳаммад Дафравий, Санъа Мазҳор ва бошқалар бор.

Фильмдаги мусиқали ва диний қўшиқлар Йасмин ал-Хаййам томонидан яратилган бўлиб, у диний нашида ва мусиқалар бўйича йирик мутахассис ҳисобланади.

